

ЎЗБЕКИСТОН СССРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ТАРИХИ ВА УНДА САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ МАСАЛАЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР МИСОЛИДА

Эргашева Муҳайёхон Ғанижоновна

Андижон давлат педагогика институти эркин тадқиқотчиси

Аннотация

Жамият тараққиётининг негизи илм-фан билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Жумладан бугунги кун таълим жараёни ва унинг услублари қайсидир маънода ўзига хос жараён касб этмоқда. Таълим, маориф, маданият ўзига хос тарзда шаклланган ва ривожланган Туркистонда XX асрнинг 20-30-йилларида совет тузумининг янги маориф тизими шаклланиш даврига асос солинди. Бу даврни совет тузumi ва большевиклар ҳокимиятининг Туркистон ўлкаси халқларига маънавий хужуми даври десак муболаға бўлмайди. Чунки, бу даврда ўлкада маориф соҳасида амалга оширилган “советча” туб ислохотлар асрлар давомида диний кадриятлар билан шаклланган мусулмонлик арконлари ва араб имлоси асосида асрлар давомида шаклланиб, ривожланган миллий таълим тизими ва маънавиятга қаттиқ зарба берди.

Калит сўзлар: Маориф, қонун, қорор, ваф мулклари, эски мақаблар, янги усул мактаблари, саводсизлик курслари, миллий таълим тизими.

Ключевые слова: Образование, право, защита, поместья ВАФ, старые макабы, школы по новому методу, курсы по борьбе с неграмотностью, национальная система образования.

Аннотация

Развитие науки-фан билан член садлик холда форланади. Юмладан бугун кун преподает джараени и унинг стиллари қайсидир семантода узига типичный яраен этмоқда профессия. Образование, образование, культура узига типично форманган и Турецкая легенда XX асрнинг 20-30-йилларида совет тузумининг Янг образование тизими формациш даврига основа Рождества. Советский совет тузumi и большевиклар Туркестанский узлкас Народно-народных промыслов. Потому что, несмотря на образование, амальга оширилъган “совет” туб реформатлар асрлар продолжил религиозный культлар билан формланган мусульманский арконлари и арабское правописание, основанное на асриде вамларид, продолжающийся формланганский национальное образование в духе благочестия и духовности казни берди.

Ключевые слова: Образование, право, защита, поместья ВАФ, старые макабы, школы по новому методу, курсы по борьбе с неграмотностью, национальная система образования.

Мамлакатимиз тарихини ҳар томонлама очиб бериш асносида унинг ҳар бир даврга нисбатан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлари одиллик билан баҳолашимиз зарур. Чунки Ўзбекистон тарихини ўқитилиш масаласида жамият ҳаётига асрлар давомида таълуқли деб ўрганилмаган аёлларни фаолликка тортилиши муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айни шу мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бугун СССР даврида аёлларга бўлган муносабатнинг ўзгаришидаги салбий ва ижобий тарафларини ўрганишга қаратилмоқда. Жамият ҳаётига фаол киришиш масаласини аёллар ҳаётига қаратилиши, улардаги маданий муносабатни, маънавий фикр мулоҳазани ўзгартириш ҳамда саводлилик жараёнини ошириш масалани авж олган даврини тадқиқ этишни муҳим деб ҳисоблайди. XX асрнинг 20-30-йилларида ушбу масала кескин тарзда оммалаштирилди.

Даврий нашрларда “Мамлакатда граждандар уруши давом этаётган ва очлик, вайронгарчилик қамраб олган оғир шароитда – 1919 йил 22 декабрда В.И. Лениннинг имзоси билан “Саводсизликни тугатиш тўғрисидаги Декрет” эълон қилинди” деб ёзилади¹. Декретга биноан бутун мамлакатдаги 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган аҳолини жинсидан қатъий назар ўқиш ва ёзишни тўлиқ ўзлаштиргунга қадар савод ўргатиш ва ўрганиши мажбур этиб белгиланган эди. Бу жараён бу йилларда РСФСР таркибида бўлган бутун Туркистон АССРни қамраб олган бўлсада, бу жараён турли ҳудудларда турлича кечди, яъни баъзи ҳудудларда эски мактаблар фаолияти аҳоли томонида фаол олиб борилиши жараёни янги тузум мактаблари фаолиятига таъсир кучини ўтказа олди. Лекин кўп ўтмай советларнинг таълим соҳасидаги ўзгартиришлари Туркистон АССРнинг барча вилоятлари ҳудудида кенг оммалаштирила бошлади. Аввали миллий таълим тизими, жаҳид намояндалари томонидан асос солинган, ўқитишнинг анча илғор ва замонавий усуллари асосланган жаҳид мактаблари ҳам советлар томонидан турли йўл ва усуллар билан чеклаб қўйилди. Эски усул ва жаҳид мактабларининг моддий асоси бўлган вақф мулклари большевиклар ҳокимияти томонидан аста-секин тугатиб борилди. Умуман, XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан жаҳид мактаблари фаолиятига тўла чек қўйилди. Шу даврдан совет мактаблари узлуксиз кўпайиб борди.

Совет таълим тизимида саводсизликни тугатиш сиёсати, хусусан, хотин-қизлар саводсизлигига қарши кураш ўзига хос ўрин эгаллайди. Зеро, яқка ҳукмрон бўлган большевиклар Туркистон ўлкасида вақф мулклари тасарруфида бўлган эски мактаблардаги араб, эски ўзбек ёзуви асосида олиб борилган таълимни саводсизлик деб

¹ Зиёмухаммедова М.М. Хотин-қизлар саводсизлигини битириш тарихидан // Совет мактаби – 1978 – № 5 – Б. 70.

эълон қилган эдилар. Аҳолининг сиёсий онгини ўстириш мақсади билан майдонга чиққан совет мактабларининг фаолияти аҳоли онгидаги умуммиллий кадрятларнинг емирилиши учун бир восита вазифасини бажарди.

Туркистон ўлкасида саводсизликни тугатиш ҳаракатларини авж олдиришда В.И. Ленин имзолаган РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1919 йил 23 январдаги “РСФСР аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида”ги декрети муҳим роль ўйнади. Ушбу декрет республикаларнинг бутун аҳолисини мамлакат сиёсий ҳаётида онгли равишда иштирок этиш имконияти билан таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги айтилади². Тўққиз банддан иборат ушбу ҳужжатга кўра, РСФСРнинг 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча аҳолиси ўқиш ва ёзишни билмайдиганлар ўз хоҳишига кўра она тили ёки рус тилида ўқиш ва ёзишни ўрганишлари керак эди. Саводсизликни тугатиш муддати губерния ва шаҳар Советлари томонидан белгиланиши, саводсизликни тугатишнинг умумий режаси жойларда Маориф комиссарликлари томонидан ушбу декрет эълон қилингандан кейин икки ой муддат давомида тузилиши белгиланган эди.

Саводсизликни тугатиш тадбирлари учун ҳарбий ҳизматга чақирилмаган барча саводли фуқароларни жалб қилиш ва улар меҳнати учун ҳақни таълим ходимларининг иш ҳақи меъёрларига мувофиқ тўлаш Маориф комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари зиммасига юкланади³.

Ўқиш-ёзишни ўрганаётган ишчиларнинг иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда уларнинг иш вақтини икки соатга қисқартиришга руҳсат берилади. Саводсизликни тугатиш учун Маориф Халқ комиссарлиги органларига халқ уйлари, черковлар, клублар, шахсий уйлар, фабрикалар ва совет муассасаларидаги тегишли бинолар ва бошқалардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Ҳужжатнинг 8-бандида ишчиларнинг саводсизлигини тугатишга тўсиқинлик қилган, уларни мактабларга қатнашига тўсиқинлик қилган шахсларни жинойий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган⁴.

Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлигининг 1920 йил 17 сентябрдаги “Аҳоли орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида”ги декретига асосан совет тузумига хос саводли кишилар қатламини шакллантириш мақсадида “саводсизликни тугатиш” кампаниясини авж олдириди. Декрет асосида, 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган барча фуқаролар ўқиш ва ёзишни ўрганишлари шарт қилиб қўйилди. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида эса саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи фавқулодда комиссия таъсис этилди. “Саводсизликни тугатиш” (ликбез) мактаб ва курслари тармоғини яратиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1920 йилнинг охирига келиб, “саводсизликни тугатиш мактаблари”(ликвидация без грамотность) ларнинг сони

² <http://досс.хисторйруссиа.орг/ру/нодес/16651-26-декабря-декрет-снк-о-ликвидации-безграмотности-среди-населения-рсфср#моде/инспест/паге/1/zoom/4>

³ Ўша жойда.

⁴ <http://docдосс.хисторйруссиа.орг/ру/нодес/16651-26-декабря-декрет-снк-о-ликвидации-безграмотности-среди-населения-рсфср#моде/инспест/паге/1/zoom/4>, 8-банд.

мингтадан ошиб кетди. Уларни битирганлар эса 70 минг кишини ташкил қилди. Ушбу мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, қисқа муддатда маҳаллий миллатга мансуб 2000 нафар ўқитувчи тайёрланди⁵.

Саводсизликни тугатиш масаласи тўғрақларда самарали натижа берган бўлсада, 1920 йилдан очилган аёллар саводсизлигини тугатиш мактабларида ҳам фаолият жадал ривожлантирилди. Жойларда баъзан мактаблар очиш учун бино, ўқув жиҳозлар, маблағ, ҳаттоки дарсликлар етишмовчилиги мавжуд бўлган. Шу сабабли ўқувчиларнинг мактаб ёшидаги қизлар болаларига синф учун бир неча дарслик мавжуд бўлса, ёши катта бўлган аёллар учун газета-журналлардан фойдаланишга тўғри келди.

1921 йилдаёқ Туркистон ўлкасида 1000 га яқин тўғрақ очилиб уларда савод чиқарган аёллар сони 5000 тага етди⁶. 1922 йили Қўқон шаҳрида очилган саводсизликни битириш курслардан бирининг ўқитувчиси Коцевнинг маълумотларига кўра “Аҳоли орасидаги аёлларни зудлик билан маданий ҳаётига ўзгартириш киритиш ва миллий қолоқ менталитетидан чиқариш лозим деб ҳисобланди, бу учун тезлаштирилган 3 ойлик курслар учун алоҳида методлар ишлаб чиқилди, ҳамда уларга бу курсни битирганларидан сўнг саводлилик сертификати тақдим этилиб, бу билан ўзларига муносиб ишга жойлашишлари учун йўл очилди”⁷.

Ўзбекистонда хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш масаласи билан уларни маданий жиҳатдан ривожлантириш, шу асос билан уларни “озодликка” чиқариш масаласида ўлканинг барча юқори ташкилот раҳбарлари ўз нутқларида алоҳида таъкидлар эдилар. Шу ўринда ушбу масала республиканинг юқори раҳбарияти Й.Охунбобоев, А.Иқромов, Ф.Хўжаевларнинг сиёсий нутқларида асосий масалага айланган эди⁸. 1921 йил 15 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган коммунистик ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитаси мажлисида ёшлар қўмиталари қошида қизлар билан ишлаш маҳсус бўлимини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бу қарор 1920 йилнинг охиригача ташкил этилган Ўзбекистоннинг 45 та вилоят, шаҳар, волостларидаги хотин-қизлар бўлимларида тўлиқ амалиётга жорий этилди⁹. Ушбу бўлимларнинг асосий мақсад ва йўналишлари Туркистон ўлкаси хотин-қизларини миллий руҳиятдан воз кечтириш, улардаги онгини маданий соҳалар асосида мутлақо совет тузуми сиёсатига мослаш, ички оилавий итоаткорлик ҳаётидан чиқариб жамиятнинг фаолликдаги ишчилар синфига қўшиш ҳисобланди. Бу жараён Совет ҳокимиятини аёллар озодлиги масаласи деб кўтарилган масаласини буткул ўзини оқлаши учун доимий уй юмушлари, бола тарбияси билан машғул бўладиган аёлларни куну-тун жамият, давлат билан узвий боғлаш билан оқлаш жараёнини юзага келтирди. Миллий тарбия усулларида воз кечиш ва атрофдагилар,

⁵ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1758-иш, 18-варак

⁶ Зиёмуҳаммедова М. Хотин-қизлар саводсизлигини битириш тарихидан // “Совет мактаби”, 1978 йил .№5. – Б. 70.

⁷ ЎзР ПАА Фарғона вилоят бўлими, 83-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 15-варак.

⁸ Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. – Андижон: “Андижон” нашриёти, 1995. – Б. 16.

⁹ Хамидова А. Очерки истории комсомола Средний Азии. – Ташкент, 1966. – С. 166.

оила аъзолари орасидаги демократик тарбия омили даврлар ҳукуматига нисбатан итоаткорликни талаб этарди.

Алоҳида тайёргарлик билан 1922 йил 16-24 март кунлари Тошкент шаҳрида “таълим ҳафталиги” ташкил этилди. Маданий кўнгилочар тадбирлар билан биргаликда ҳафталикда қатнашган аёлларга қизиқиш ва қобилиятларига қараб, саводсизлик курсларидан олган маълумоти асосида меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди¹⁰.

Дастлаб очилган мактабларнинг барчасида алоҳида қизлар учун синфлар ташкил этилиши кўзда тутилган бўлсада, ислом шариат қоидалари асосида тарбияланган қизларнинг дастлаб кўчада юриши, кейинги ўринда ўғил болалар билан ўқиши жуда таъсирни туюлди. Шунингдек, ўрганилган тадқиқотлар таҳлилида бу давр учун чоп этилган умумлаштирилган асарларда мактаб ва мадрасалар диний ғояларни тарғиб қилувчи хурофот ўчоқлари сифатида таъсифланиб, ислом динининг жамият ҳаётидаги тутган ўрнини совет ҳокимияти мафкураси нуқтаи назаридан туриб изоҳларди¹¹. Шу сабабли ислом маданиятига кўр-кўрона ҳурмат-эътибор кўрсатган совет ҳокимияти 1924 йилдан қизлар учун алоҳида бинода мактаблар ва аёл ўқитувчилар дарс бериш жараёнини шакллантира бошлади. Маҳаллий аҳолининг алоҳида қаршилик жараёнларини енгиб, турли маданий тадбирлар, савод ўргатиш тўғаракларининг ташкил этилиши, аёлларни ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий ҳаётга тортиш жараёни авж олдирилди.

Советлар саводсизликни тугатиш борасида қилаётган ишларини кўкларга кўтариб, 1924 йилда “Битсин саводсизлик” номли жамият ҳам туздики, бу жамият дастлаб 35 та мактаб очиб, 10200 кишининг саводини чиқарди. Жамият фаолияти билан 1937 йилда республикада саводсизлик асосан тугатилди, деб эълон қилинди. Аслида ўша пайтда ҳам кам саводли кишилар 2 миллиондан зиёд бўлиб, советлар идрокидаги умумий саводхонлик бор-йўғи 67,8 фоизга етган эди¹².

Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг марказга берган ҳисоботида 1923 йилда Наманганнинг 3 та ҳудудида қизлар учун алоҳида саводсизликни тугатиш мактаблари очилгани таъкидланади. Бироқ ушбу мактабларда маҳаллий аҳолининг айрим гуруҳлари томонидан доимий тажовузлар қилиниши эҳтимоли борлиги учун бу мактаблар ҳудуди 120 нафар ҳарбийлар томонидан ҳимояланаётгани таъкидланади¹³.

Бу жараёнда мактаблар билан биргаликда барча ҳудудларда ташкил этилган хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш курслари ҳам салмоқли фаолиятга эга эди. Зеро 1923-1924 ўқув йилида айнан водий ҳудудларида 23 та курсда 500 нафар аёллар савод

¹⁰ Нишоновна Қ. В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий масалалари (20-30 йиллар): тажриба ва оқибатлар. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация. – Тошкент, 1998. – Б. 99.

¹¹ Алиходжаев М.О. Россия империяси ва совет даврида кўқон хонлиги таълим тизимининг ўрганилиши. Илмий ҳабрнома (Андижон Давлат Университети). 2014 йил, 3-сон, 68- саҳифа

¹² Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1758-иш, 141-варақ

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг Фарғона вилоят бўлими (кейинги ўринларда ЎзР ПАА ФВБ), 83-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 6-варақ.

ўрганган бўлса, бу миқдор йилдан йилга ўсганига гувоҳ бўлиш мумкин. 1924-1925 ўқув йилида 51 та курс ва 1023 та курс битирувчилари, 1925-1926 ўқув йили якунида эса 82 та курсда 2700 нафар битирувчи аёллар савод ўрганиб жамиятнинг ишчилар синфига кўшилди¹⁴. Бу курсларни мувофақиятли битирган аёлларга “саводлилик” гувоҳномаси тақдим этилиб улар жамиятнинг барча соҳаларида эркин фаолият юритиши учун алоҳида бир катта мақомга эга бўлардилар. Баъзан бундай саводсизликни битириш курслари завод, фабрикалар қошида ташкил этилиб, унда иштирок этган аёлларга кунлик иш соатидан чегирмалар, ёки, сертификатга эга аёллар учун кўшимча ҳақ ҳам тўланган.

Айни саводсизликни тугатиш масаласида аёллар мактабларида маҳаллий ўқитувчи кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўқитувчилар тайёрлов курсларида 1925 йилда Фарғона, Тошкент, Самарқанд округларида 1256 нафар курс тингловчиларидан 31 фоизини аёлларни ташкил этарди¹⁵. Мактабларда таълим олувчилар учун маълум билимга эга бўлиб курсларни битириб сертификат олган битирувчиларга таълим бериш ҳуқуқи берилган.

Туркистон АССРнинг барча жойларида тўлиқ шаклдаги мактаблар очиш шароити мавжуд эмаслиги, шу сабабли аёлларни маданий-маънавий жиҳатдан янгиланган тузумга мослаш заруратидан ҳудудларда “Аёллар клублари”ни очилиши масаласига ҳам катта эътибор берилди. Клубларда алоҳида совет тарғиботчи фаоллар, рус тили курсларида ўқиб келган муаллимлар фаолияти доимий асосда ташкилланган. Ташкил этилган аёллар клубларида эрталаб 8:00 дан 10:00 гача дарс машғулотлари йўлга қўйилган, дарсдан сўнгра турли маданий тадбирлар уюштирилган. Эътиборли жиҳати шунда эдики, клубга ташриф буюрган савод чиқариш истагидаги аёлларнинг аксарияти болалари билан келиб, улар савод чиқариш курс машғулотларида қатнашгунга қадар болалари боғча тарбиясида бўлиб овқатлантирилган, шунинг билан биргаликда она-болалар шифокор кўригидан ўтишган. Бу жараён ҳам клубларда аёлларнинг қатновини кескин оширишнинг бир омили эди¹⁶.

Ушбу асослар ҳам республикамиз тарихида хотин-қизларнинг турли соҳадаги кадр сифатидаги тарихий илдазларини ярата олди деб ҳисодлаш мумкин. Зеро доимий уйдаги бола тарбиясидан тезкорлик билан ўтказилган таълим ислоҳотининг ва маданий қурилишдаги фаолиятни асл негизи иштирокчисига айланди.

¹⁴ Эргашева М. Ўзбекистон тарихида аёлларнинг ижримоий ҳаётини тубдан ўзгариш масалалари. Тошкент, Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар илмий конференция. 2020йил,19- сон 40 саҳифа

¹⁵ “Совет мактаби” журнали. 1977 йил №9. – Б. 11.

¹⁶ Нишоновна В.К. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20-30 йиллар, тажриба ва оқибатлар. Тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 101.